Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 10 март, пайшанба № 56 (21.660). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш комплекс дастурини амалга ошириш, шунингдек, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг тиббий-ижтимоий, инвестиция ва хайрия дастурларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг республика ҳар бир тумани ва шаҳрида жамғарма таянч пунктларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Таянч пунктлар тўғрисидаги Низом маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар жамғармага, унинг бўлимлари ва таянч пунктларига молиявий ҳамда моддий-техник ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

2. «Соғлом авлод учун» жамғармасига Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 1 миллиард сўм-купон ажратилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, транспорт, алоқа ҳамда умумиқтисодиёт мажмуилари (К. Тўлаганов. Б. Ҳамидов) Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар иштирокида жамғарманинг:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида қурилаётган поликлиника негизида — «Соғлом авлод учун» жамғармасининг тиббий-ижтимоий марказини ташкил этиш тўғрисидаги;

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ сув омбори соҳилида қурилиши тугалланмаган болаларни соғломлаштириш комплекси негизида — «Соғлом авлод учун» республика даволаш-соғломлаштириш комплексини («Артек»ка ўхшаш) барпо этиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда, Тошкент шаҳридаги иккита дорихонани, Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳамда ҳар қайси вилоятдаги биттадан дорихонани «Соғлом авлод учун» жамғармасига унинг уставдаги фаолияти доирасида фойдаланиш учун белгиланган тартибда берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда болаларни уй шароитида тиббий-ижтимоий кузатиб бориш (патронаж) бўйича кадрлар тайёрлаш тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳасини икки ой муддатда тайёрласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, бунда қуйидагиларни ташкил этиш назарда тутилсин:

йирик тиббиёт муассасалари ва билим юртлари ҳузуридаги курсларда болаларни уй шароитида тиббий-ижтимоий кузатиб бориш бўйича кадрлар тайёрлаш;

соғлом турмуш тарзини кенг тушунтириш ва тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш, фарзанд кўриш ёшидаги аёлларни ва ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Молия вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги, Қизил ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда соғлиқни сақлаш дастлабки бўғини муассасаларида, ижтимоий ёрдам бўлимларида, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч пунктларида, Қизил ярим ой жамиятида болаларни уй шароитида тиббий-ижтимоий кузатиб бориш бўйича тиббиёт ходимларини ишга жойлаш ва улар фаолиятини маблағ билан таъминлаш масалаларини ҳал этишни таъминлаш.

6. «Соғлом авлод учун» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда болалар озиқ-овқатлари, вакциналар, дорилар, тиббиёт буюмлари, она ва бола учун санитария ва гигиена воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун «Тексун» компанияси гуруҳи томонидан жамғармага берилаётган кредитдан фойдаланиш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Соғлом авлод учун» жамғармаси буюртмасига биноан тарғибот ва ахборот матбаа маҳсулотларини тайёрлашни таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компанияси ҳар ҳафтада «Соғлом авлод учун» дастурини ташкил этсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 март.

МЕҲР ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАЙДИ



Меҳри она 85 ёшга қадам қўйди. Бугун унинг барча бутун ва файзли. Фарзандлари, қўша-қўша набиралари билан кўҳна чинорга ўхшайди. Хонадонида ҳамма нарса бадастир. Шундай бўлса-да, чеҳрасида маржон ажинлар изи бу инсон қалбида эски вақтдан қолиб кетган ўткир аламнинг ўчмас доғини эслатади. Ўша иллат фалак кўрсатган ноҳақ жабру-жафо изларидир. Мана олтмиш йилдан ошибдики, бу дард муштипар онани ҳамон изтиробга солади.

Бундан кўп йиллар муқаддам Тошкент яқинидаги Байтқўрғон қишлоғи — бадавлат мулкдорнинг дилбар фарзанди эди. Ер ислоҳоти, ундан кейин муштумзўрларни тугатишдек калтабин сиёсат бу катта хонадонга ҳам яшин ташлади. Кўз очиб юмгунча вайронага айланди. Мулкдор Саримсоқхўжабойнинг 120 гектар даласи, 30 гектар олмазори ва юзлаб аравага жо бўлган мол-мулклари қон қақшатиб тортиб олинди. Мулкдор бола-чақалари билан «қулоқ» этилиб Украинага сургун этилди.

1931 йил ёзининг ўша даҳшатли ва мудҳиш онлари онанинг кўз олдида ҳамон ўчмайди.

— Ҳамма нарса зудлик билан тортиб олинди. Ҳатто энг охирги буюм — элак ҳам аравага ортилган. Пойгада қатнашадиган учқур саман отлар Москвага олиб кетилди. Қорабайир отлардан бири ҳатто қизил вагонга чиқаётганида кишнаб йиғлаганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бечора ота Украинанинг Николаев вилоятида хўрлик ва азобларга бардош беролмай, тезда оламдан кўз юмди. Ҳамма нарса остин-устун бўлиб емирилди.

Балоғатга етган дилбар қиз Меҳри етим бўтадай бўзлаб, акалари билан Тожикистонга яширин қочиб борди ва Данғара, Кўлобда бир амаллаб ҳаёт кечиришди. 60-йиллардан кейин уларни Тошкентга қайтиб келишига рухсат берилди.

— Мен муштипар отам қабрини тополмай ҳамон сарсонман. Ўшанда у ёқларга йўлатишмаган. Иложим қанча.

Яқинда опа хонадони эшиги яхши ният билан тақиллади. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги мутасаддилари уни қатағон қурбони сифатида йўқлаб келишди. Бир этак оила тор жойда тиқилишиб яшаётганлиги инобатга олиниб Меҳри она оиласига яна икки хонали янги квартира ажратилди. Куни кеча «Салом» ошхонасида бўлган маросимда муносиб совға — янги уй калити мамлакат Президенти номидан топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бегуноҳ қатағон ва уруш қурбонларининг оила аъзоларини йўқлаб туриш, уларга меҳр-шафқат кўрсатиш ҳақида айтган кўрсатмалари бу хонадон ва минглаб кишилар мисолида ҳам ўзининг ижросини топмоқда.

Қутлуғ байрамингиз муборак бўлсин, Меҳри опа! Сиз ва оилангиз учун меҳр-шафқат фазилати ҳеч қачон сўнмайди.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси, бундан кейин Томонлар деб аталувчи,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг мақсади ва асосий қонун-қоидаларига, Хельсинки Якунловчи Актига ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка доир бошқа ҳужжатларга ўз содиқликларини тасдиқлаб,

тегишли равишда ҳар бири Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида 1991 йил 31 августдаги Қонунига ва Россия Федерациясининг давлат суверенитети тўғрисида 1990 йил 12 июндаги Декларацияга амал қилиб,

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Шартноманинг тегишли моддаларига асосланиб,

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида тузилган ҳарбий масалалар бўйича шартнома ва битимларни, шунингдек, Томонлар қатнашчилари бўлган тегишли халқаро шартномаларни ҳисобга олиб,

ўз Қуролли Кучларини барпо этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўзаро мақбул ва ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш зарурлигини ҳамда Томонларнинг ҳудудларида жойлашган ҳарбий объектлардан биргаликда фойдаланишдан манфаатдорликни ҳисобга олиб;

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашдилар:

1-модда

Томонлар ўзларининг ҳарбий соҳадаги муносабатларида ўз давлатларининг қонунчилигига ҳамда уларга мувофиқ ўзларининг Қуролли Кучларини барпо этиш тўғрисида қабул қилинган қарорларга асосланадилар.

2-модда

Томонлардан ҳеч бири ўз ҳудудидан учинчи давлатлар томонидан бошқа Томонга қарши ҳар қандай агрессия ёки душманлик фаолияти мақсадларида фойдаланишга йўл қўймайди.

Учинчи давлатлар томонидан ҳарбий ҳужум хавфи пайдо бўлган ҳолларда Томонлар ҳам икки томонлама асосда, ҳам иккала Томон кирадиган давлатлар бирлашмалари доирасида, бир-бири билан маслаҳатлашади.

3-модда

Томонлар биргаликда фойдаланиш учун ўз ҳудудларида ҳарбий объектларни жойлаштиришга ўзаро аҳдлашув бўйича йўл қўядилар.

4-модда

Томонлар Европада оддий қуролли кучлар тўғрисидаги 1991 йил 14 июнь Шартномаси бўйича ССР Иттифоқи вакилининг Қўшма маслаҳат гуруҳида қилган Баёнотини амалга оширишда иштирок этадилар.

Ушбу Баёнотнинг ижроси борасидаги тадбирлар Томонлар ўртасидаги алоҳида битим билан белгиланади.

5-модда

Томонлар ўзларининг халқаро мажбуриятларига риоя этган ҳолда, шартнома асосида ,қурол-яроғлар, ҳарбий техника, эксплуатация-техника ҳужжатлари, бутловчи элементлар, эҳтиёт қисмлар ва ашёлар ҳамда бошқа моддий воситаларни ишлаб чиқариш ва улар билан таъминлаш бўйича, шунингдек, ҳарбий техникани таъмирлаш, кафолатли назорат, рекламациялар, ишнинг камчилигини тўлдириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича қарор топган алоқаларини сақлаб қоладилар.

Қурол-яроғлар ва ҳарбий техникани ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш қатнашчиларини моддий-техникавий таъминлаш тегишли равишда Томонларнинг давлат буюртмалари бўйича амалга оширилади.

Томонлар саноат корхоналарида Томонларнинг Мудофаа вазирликлари буюртмаларини жойлаштиришни таъминлайдилар ва уларни бажаришга доир чора-тадбирларни назарда тутадилар.

Буюртмаларни расмийлаштириш ва қурол-яроғлар, техника, эҳтиёт қисмлар ва ашёлар, бошқа материаллар етказиб беришни таъминлаш ҳукуматлараро битимлар асосида амалга оширилади.

6-модда

Томонлар қурол-яроғлар ва ҳарбий техникани экспорт қилиш соҳасида ҳамда ўзаро ҳарбий-техникавий ҳаракатнинг бошқа масалаларида учинчи мамлакатлар билан ҳамкорликни амалга оширадилар.

Ушбу ҳамкорликнинг йўналиши ва шакллари, шунингдек, ўзаро ҳаракат механизми алоҳида битимлар билан бошқарилади.

7-модда

Томонлар мамлакат ичкарисига ўзаро етказиб беришларни, ҳарбий ташувларни тиббий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишни Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Мудофаа вазирликлари ўртасидаги алоҳида битимлар асосида амалга оширадилар.

8-модда

Томонлардан ҳар бирининг бошқа Томоннинг ҳудудига қурол-яроғлар, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситалар етказиб бериши ўзаро келишув бўйича бож ва бошқа солиқлар тўламасдан амалга оширилади.

9-модда

Томонлар ҳарбий полигонлардан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ўртасидаги алоҳида битимларга мувофиқ фойдаланишади.

10-модда

Томонлар ҳарбий кадрлар тайёрлашни ўзаро ҳисоб-китоблар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ўртасидаги алоҳида битимлар асосида амалга оширадилар.

11-модда

Томонлар ҳарбий хизматдан бўшатилган ҳарбий хизматчилар ва шахсларнинг бир Томоннинг ҳудудидан иккинчи Томоннинг ҳудудига ўтишида уларнинг ижтимоий ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайдилар. Алоҳида битим билан бу ҳуқуқлар амалга оширилади.

Биринчи Томон Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, иккинчи Томоннинг Қуролли Кучлари сафига ўтиб хизматни давом эттириш ҳуқуқи сақланиб қолади. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Вазирлиги билан Россия Федерациясининг Мудофаа Вазирлигининг 1993 йил 22 январь битимига асосан зобитлар, прапорщиклар, мичманлар ва ҳарбий хизматчиларнинг хизматни давом эттириши ва кўчириши тартиби шу битим асосида аниқланади.

Томонлар, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолатларини ва ҳарбий хизмат ҳусусиятларини ҳисобга олиб, хизматдан захирага чиқарилган ва бир Томон ҳудудидан иккинчи Томон ҳудудларига доимий яшаш учун жўнаб кетаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ўзларининг мол-мулкларини, шу жумладан транспорт воситаларини ҳам ҳеч қандай чекловсиз ва божхона товонлари, тўлов-лар, йиғимларсиз олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини берадилар.

12-модда

Томонлар аэродром тармоқларидан, уларнинг ҳаво бўшлиқларидан, алоқа, ахборот ва моддий-техника таъминоти тизимларидан, шунингдек, уларнинг ҳарбий инфратузилмасидан бошқа объектларидан Томонларнинг Ҳарбий-ҳаво кучлари ва Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қисмлари томонидан фойдаланишнинг мавжуд тартибини сақлаб қоладилар.

13-модда

Томонлар ҳаво ҳужумига қарши мудофаа кучлари ва воситаларининг ўзаро ҳаракат қилишини амалга оширадилар ҳамда ҳаво-космик вазият тўғрисида ахборотлар алмашиш, ҳалокатга учраган ёки йўналишини йўқотган ҳаво кемаларига ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳаво кемаларини олиб қочишга ёки ҳаво кемаларини эгаллаб олишга йўл қўймаслик билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича ҳамкорлик қиладилар.

14-модда

Ушбу Шартномага исталган Томоннинг ташаббуси билан ўзаро келишув асосида ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

15-модда.

Мазкур Шартнома ратификация ёрлиқлари алмашилган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома беш йил муддатга тузилади. Ушбу муддатдан кейин, агар тегишли давр тугашидан олти ой олдин Томонлардан ҳеч бири Шартноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида ўз хоҳишини иккинчи Томонга ёзма равишда маълум қилмаса, Шартноманинг амал қилиши ўз-ўзидан бир йилга узаяди.

Мазкур Шартнома имзоланган кунидан бошлаб вақтинчалик қўлланади.

Москва шаҳрида 1994 йил 2 мартида, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида икки нусҳада тузилди, иккала матн ҳам бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. А. КАРИМОВ

Россия Федерацияси номидан
Б. Н. ЕЛЬЦИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Заводимиз ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан жамоамизнинг республикамиз Фахрий ёрлиғи билан тақдирланиши биз, металлургларни бениҳоя қувонтириб юборди.

Ўтган ярим аср мобайнида жамоамиз Ўрта Осиёда қора металлургия саноатининг ривожига асос солди ва унинг юксалишини таъминлади. Шу давр ичида 20 миллион тоннага яқин зарур металл прокати ишлаб чиқарилиб, мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди.

Миллий кадрларни тарбиялаб етиштиришда ҳам у ўзига хос мактаб бўлди. Заводимизда вояга етган миллий кадрлар республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали хизмат қилиб келмоқда. Бугунги кунда заводимизнинг учинчи авлод вакиллари ота-боболари изидан бориб, уларнинг шонли йўлини давом эттирмоқда.

Жамоамиз мустақил республикамиз олдида турган улкан вазифаларни дилдан ҳис этиб, бугунги қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилмоқда.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз Сизнинг Ҳамдўстлик мамлакатлари, айниқса, Россия билан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ўзаро манфаатли алоқаларни тиклаш, миллатимиз, динимиз ва эътиқодимиздан қатъи назар, дилларимизни бир-бирига боғлаб турган дўстлик, қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш борасида қилаётган олижаноб ишларингизни мамнуният билан, фахр-ифтихор билан қизғин маъқуллаймиз ва Сизга ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш борасидаги шартноманинг имзоланиши, Россия билан ўзаро манфаатли алоқаларнинг янги, юқори босқичга кўтарилиши, бу — мустақил мамлакатларда яшаётган кўп миллатли халқларнинг ўзаро фойдали, анъанавий қўшничилик муносабатларини давом эттиришга имкон яратади, олдимизда турган қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам беради. Бу адолатли ишлар биз, металлургларнинг келажакка бўлган умидимизни янада мустаҳкамлайди.

Биз корхонамизга берилган республика Фахрий ёрлиғини қабул қилиб, Сизни ишонтириб айтамизки, бундан буён ҳам давлатимиз равнақи йўлида Бекобод металлурглари астойдил меҳнат қилаверадилар.

Мурожаат Ўзбекистон металлургия заводи меҳнат жамоасининг тантанали йиғилишида қабул қилинган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Шу кунларда Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, чорвачиликда ислоҳотни такомиллаштириш ва фермер хўжаликларига зарур шарт-шароит яратиш тўғрисидаги масалаларга бағишланган йиғилишида ўртага қўйган вазифалар асосида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш йўллари белгилаб олинмоқда.

Бу масалалар Қашқадарё вилояти фаоллари йиғилишида ҳам асосий мавзу бўлди. Унда вилоят ҳокими Т. Хидиров сўзга чиқиб, бу борада эришилган ижобий силжишларни қайд этиш билан бирга ислоҳотни кенгайтириш, мулкни ҳусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш, деҳқончилик самарадорлигини ошириш имкониятларидан ҳамма жойда ҳам етарли фойдаланилмаётганига эътиборни жалб этди.

Йиғилишда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов қатнашди.

(ЎзА).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов 9 март куни Қорақалпоғистонда бўлди. У Хўжайли шаҳридаги гўшт комбинатини бориб кўрди, Элликқалъа туманида Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда бунёд этилаётган «Элтекст» тўқимачилик мажмуи қурилишини кўздан кечирди.

Бош вазир меҳнат жамоалари билан учрашув чоғида мамлакатда Президентимиз тамойиллари асосида бозор муносабатлари босқичма-босқич шакллантирилаётган ҳозирги вақтда саноатни қишлоққа олиб келиш, давлат мулкини ҳусусийлаштириш, кичик ва қўшма корхоналар ташкил этиш, деҳқон (фермер) хўжаликларига кенг йўл очиб бериш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эканини таъкидлади.

Шу куни Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раиси А. Аширбеков Президент Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ҳусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишланган йиғилишида ўртага қўйган вазифалар асосида иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш ҳақида маъруза қилди.

Республика Бош вазири А. Муталов йиғилишда нутқ сўзлади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси, кейинги ўринларда Томонлар деб юритилади.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида 1992 йил 30 майдаги Шартномага амал қилиб,

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Иқтисодий иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги Шартнома қоидаларини икки томонлама муносабатларда амалга ошириш мақсадида,

ҳар томонлама иқтисодий муносабатларни тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш ва чуқурлаштиришни истаб,

ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорликка асосланиб,

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ҳудудида умумий иқтисодий маконни шакллантиришни жадаллаштириш зарурлигидан келиб чиқиб,

иқтисодиётни барқарорлаштиришда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, иккала мамлакат иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланишга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

1-модда

Томонлар иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш жараёнида ҳаракатларни мувофиқлаштирадилар, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси корхоналари, ташкилотлари ҳамда айрим минтақалари ўртасида ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларнинг сақланиб қолиши ва ривожланишига ёрдам берадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

7 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамини ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Н. Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда Тошкент шаҳри ва вилоятларда Наврўзга қандай тайёргарлик кўрилаётгани, байрам кунлари ўтказилажак тадбирлар муҳокама қилинди,савдо, маданий хизмат кўрсатиш ва бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

Республикамиз пойтахтида Наврўз муносабати билан «Халқлар дўстлиги» саройи ва Хадра ўртасидаги йўл, Алишер Навоий боғи ва бошқа ҳиёбонлар айниқса байрамона тус олади. Тантаналар ўтказиладиган майдонларда таниқли санъаткорларнинг мулоқот ва концертлари, савдо расталари уюштирилади. Шунингдек, Ўзбекистон давлат кинокомпаниясига Наврўзни тараннум этувчи фильмлар яратиш, Фанлар академиясига эса, у ҳақда илмий рисолалар тайёрлаш топширилди.

Йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Ҳ. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари М. Қорабоев, К. Тўлаганов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ УРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

2-модда

Томонлар бозор муносабатлари асосида иккала давлат товарлари, хизматлари, сармоялари ва иш кучининг эркин кўчиб юришига босқичма-босқич ўтиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида нарх, солиқ, божхона ва валюта сиёсати яқинлашувига ёрдам берадилар.

3-модда

Томонларнинг ҳар бири ўзга томоннинг ўз ҳудудида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларининг мулкка эгалик ҳуқуқини тан олишдан келиб чиқади.

Томонлар яқин вақтларда бу мулкка эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг давлат кафолатининг қонунчилик тартибини белгилайдилар.

4-модда

Товарларнинг эркин ҳаракати ва ўзаро савдони ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Томонлар:

ўзаро савдода бож пошлиналари, солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа тариф ва тарифга алоқадор бўлмаган чеклашларни изчил камайтириб бориш ва бекор қилишга;

божхона қонунчилигини, тариф ва тарифга алоқадор бўлмаган бошқариш механизмларини уйғунлаштириш ва бир хиллаштиришга, божхона тартибларини соддалаштиришга;

транзит эркинлиги принципларига риоя қилган ҳолда давлатлараро юк ва йўловчилар ташиш тарифларини яқинлаштиришга қаратилган биргаликдаги ишни фаоллаштирадилар.

5-модда

Томонлар бир-бирларида миллий валютанинг мавжудлигини тан олиб, уларнинг алмаштирилувчанлигини ва миллий валюталарни ўзаро алмашув курсининг барқарорлигини ҳақиқатда таъминлашга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси марказий ва тижорат банклари ўртасида тўловларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга ҳар томонлама ёрдам берадилар.

6-модда

Томонлар савдога дахлдор бўлмаган ишлар бўйича тўловларни ташкил этиш, биринчи навбатда пенсиялар, алиментлар, иш ҳақи ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа тўловларни юборишга оид масалаларнинг ҳал қилинишини тезлаштирадилар.

7-модда

Томонлар даромадлар ва мол-мулкка икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида Битим тузишни ўз ҳукуматларига топширадилар.

8-модда

Томонлар ҳар иккала давлат учун манфаатли бўлган қўшма корхоналар ва муассасаларни, давлатлараро компанияларни ташкил этишга ва уларнинг ишлашига, объектларни инвестициялашда қатнашишга кўмаклашадилар.

9-модда

Томонлар илмий-техникавий ҳамкорликни, шу жумладан Халқаро радиоастрономик обсерватория ва бошқа объектларнинг ташкил этилишини ҳам ўз ичига олувчи коинотни тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича биргаликдаги фаолиятни фаоллаштириш чора-тадбирларини кўрадилар.

10-модда

Томонлар келишилган дастур бўйича иқтисодий ахборотни текин айирбошлаш тўғрисида Битим тузишни ўзларининг тегишли ташкилотларига топширадилар.

11-модда

Мазкур Шартнома унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиблари Томонлар томонидан бажарилганлиги тўғрисида сўнгги марта хабар қилинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида иккинчи Томонга ёзма равишда хабар юборган санага олти ой тўлгунга қадар кучда бўлади.

Москва шаҳрида, 1994 йил 2 мартида, икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, ҳар иккала матн бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. А. КАРИМОВ.

Россия Федерацияси номидан
Б. Н. ЕЛЬЦИН.

УЛАР МИСРДА ЎҚИШАДИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг хорижий мамлакатлардаги олий ўқув юртлар билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда.

Яқинда институт талабаларидан бир гуруҳи Миср Араб Республикасида таълим олиш учун жўнаб кетган эди. Шу кунларда институтда араб тилидан тест синовлари ўтказилмоқда. Улардан муваффақиятли ўтган 45 талаба Мисрнинг Қоҳира университетида ўқиш имкониятига эга бўлади.

(ЎзА).

ХДП ҳаётидан

МУҲОКАМАДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштира бориш ҳокимликлар-у — жамоат ташкилотларининг, давлат муассасалари, ширкат, ҳиссадорлик жамиятлари-ю хусусий мулк эгаларининг — барчанинг олдида турган биринчи галдаги вазифаси, ватанпарварлик бурчидир.

Хоразм вилояти партия кенгашн ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида ана шу мақсад сари йўналтирилган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотларининг 1993 йил ишлаб чиқариш ҳамда молиявий хўжалик фаолиятининг якунлари ва 1994 йилда партия бюджетини маблағлар билан таъминлаш режалари тўғрисидаги масала кўрилиб, ушбу муҳим ишдаги ижобий силжишлар билан бирга йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди, ташкилотлар молия хўжалик фаолиятини такомиллаштира бориш чора-тадбирлари белгиланди. ХДП шаҳар ва туман кенгашларига партия аъзолик бадалларини ўз вақтида ундириб олиш, партия мулки ва транспорт воситаларини авайлаб сақлаш, молия, моддий-техника воситаларидан самарали фойдаланишни назорат қилиб бориш топширилди.

Партия ташкилотларида Миллий истиқлол мафкурасини чуқур ўрганиш юзасидан биринчи галдаги тадбирлар режаси тасдиқланди.

Бундан ташқари Ўзбекистон ХДП шаҳар, туман партия кенгашларига ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда шаҳар ва туман бўғинидаги мутахассисларнинг иқтисодий билимларини ошириш мақсадида ўқувлар ташкил этиш тавсия этилди ва машғулотларнинг тахминий режаси тасдиқланди.

Шунингдек, ижроия бюро мажлисида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «Наврўз» байрамини ўтказиш бўйича вазифалари тўғисида»ги қарори кўриб чиқилди ҳамда Қўшкўпир тумани партия кенгашининг ушбу баҳор байрами олдидан шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАДРИЯТЛАРГА ЭҲТИРОМ

— Рамазон ойи бу йил республикамиз миллий истиқлол йўлидан янада шаҳдам бораётган, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар чуқурлашаётган, халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори тобора ортаётган кунларга тўғри келди, — деди ифторлик олдидан ўтказилган маҳалла оқсоқолларининг йиғилишида Ўзбекистон ХДП Чилонзор тумани кенгашининг биринчи котиби Ҳусниддин Эшонхўжаев. — Мустақил республикамизнинг етакчи сиёсий ташкилоти бўлган Ўзбекистон ХДПсининг нуфузи ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Биргина туманимиз кенгаши ўз сафига 2250 нафардан ортиқ ХДП аъзосини бирлаштириб турибди. Тумандаги 44 та маҳалланинг етмиш фоизида бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ХДП миллий анъаналарга, умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик қоидаларига, Ватанимиз ва жаҳон илғор тафаккурининг ютуқларига асосланиб меҳнат аҳлининг, ижтимоий аҳволи, насл-насаби, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар уларнинг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Партиямиз Дастури ва Низомига таянган ҳолда Чилонзор тумани кенгаши халқимизнинг миллий урф-одатлари ва анъаналарини давом эттириш мақсадида оқсоқолларни ифторликка таклиф этишди. Бир пиёла чой устида маҳаллаларда партия ташкилотлари кўламини кенгайтириш, уларда ХДП аъзолари сафини ошириб бориш, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси ташвиқотини авж олдириш хусусида фикрлашиб олишди.

Сўзга чиққан туман партия кенгаши ижроия бюросининг аъзоси Ғафур ота Каримов инсонийлик, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат, андиша, орият, тўғрилик, инсоф, диёнат, поклик, саховат, иффат, шарм-ҳаё, адолат, раҳм-шафқат сингари инсоний қадриятлар замирида имон туражагини таъкидлаб ўтди. Бошқа динларнинг таҳқирланишига йўл қўймаган ҳолда Ислом маданияти ва қадриятларига ҳурмат кўрсатаётган Ўзбекистон ХДПсига ҳамдусаноалар айтди.

Худойназар ҒОЙИБОВ.



Республикамизнинг йирик туз конларидан бири Хўжаиконда йилига 500 минг тонна техник туз тайёрланмоқда. 1982 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бу кон ҳозир бутун Марказий Осиё мамлакатларини техник туз билан таъминламоқда. Ўтган йилдан бошлаб эса Хўжаиконда ош тузи ҳам қазиб олиш йўлга қўйилди. Кончилар жорий йилда 110 минг тонна ош тузи қазиб олишга бел боғлаганлар.

СУРАТДА: оператор Шоназар Қаҳҳоров ва уста Шоназар Боймирзаев истеъмолга тайёр тузни кўздан кечиришмоқда.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ОЛИМЛАР БИЛАН ДИЛЛАШУВ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши қошида мулоқот клубининг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Унинг иши тобора такомиллашиб бормоқда. Бу ерда машғулотлар, учрашув ва суҳбатлар мунтазам ўтказилиб турилмоқда.

Бу гал мулоқот клубига Наманган Давлат дорилфунуни, Наманган саноат-технология институти ва Наманган иқтисодиёт муҳандислик институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ташриф буюришди.

Суҳбатни вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Фаёзов бошлар экан, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтди:

— Шу куннинг муҳим вазифаларидан бири фаолиятини ишлаб чиқаришга жорий этишдир, — деди у. — Галдаги юмушларимиздан яна бири ЎзХДП Миллий истиқлол мафкурасини омма ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишдан иборатдир ва бунда умид қиламизки, зиёлилар асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Қолаверса, Олий Мажлисга бўладиган сайловларга тайёргарлик арафасида сизларнинг ёрдамларингизга таянамиз.

Олимлар ХДПнинг ҳозирги ўрни ва истиқболи хусусида фикр юритар эканлар, халқ билан янада бирдам бўлиш бу ютуқлар гарови эканлигини, аъзолар сафини кўпайтириш, ижтимоий ҳаётда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш зарурлигини таъкидладилар.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАКТАБДА ҲАМ ТЕСТ

Олий ўқув юртларига киришда тест синовларининг жорий этилиши ҳақиқий билимлилар учун ишончли имконият бўлгани ҳаммани қувонтирмоқда. Қолаверса, одамларда ўқишга киришда нохолисликлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳаларга чек қўйилди. Тест ўзини оқлади.

Бу янги усул аста-секин мактабларда, юқори синфларда имтиҳон ва синовларда ҳам қўллана бошланди.

• Диққат, янгилик!

Бу тажрибани янада кенгроқ жорий этиш учун Юнусобод тумани халқ маорифчилари яна бир янгиликка қўл уришди. Улар бошланғич синфлар ўқувчилари орасида она тили ва математикадан тест синови олимпиадасини ўтказишди. Бунинг учун бошланғич синф имкониятлари даражасида тест саволлари тайёрланди. Ундан мақсад болаларнинг билимини аниқлашгина эмас, уларни янгиликка, ҳаяжонли дақиқаларда ўзини йўқотмасликка, ҳозиржавобликка, ўз фикридан чалғимасликка ўргатишдир. Қолаверса, ўқувчи ўзи эшитиб юрган тестга шубҳасиз қизиқади ва янги усул туфайли янада чанқоқлик билан дарс қилади.

Туманнинг тажрибали ўқитувчилари М. Ғофурова, С. Жуманиёзова, М. Ҳакимова, П. Ғойибназарова, М. Саидолимхўжаевалар жонбозлигида ўтган бу билимлар кўригида она тили бўйича 63 та, математика бўйича 75 та ўқувчи иштирок этди.

Ташаббус шаҳар миқёсида қизиқиш уйғотди. Ғолиб ўқувчилар энди шаҳар олимпиадасига тайёргарлик кўришмоқда.

Моҳи НУР.

• Нуқтаи назар

АРИҚҚА БЕТОН ШАРТМИ?

Халқимиз қадимдан оқар сувнинг ҳар қатрасини эъзозлаб келган. Шу боисдан сув билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар, ривоятлар оғиздан-оғизга ўтиб, ҳали ҳанузгача одамлар орасида сақланиб қолган. «Оқар сувлар — кўпнинг насибаси, уни ифлослантирганнинг кўзи кўр бўлади», дейилган ҳикмат ҳам доним ота-боболаримиздан қолган.

Лекин бу ардоқланиб, эътиқод қўйиб келинган калималарга сўнгги пайтларда путур етди. Ҳатто, қачонлардир ўт-ўланга тўлиқ бўлган оқар сув — анҳор, ариқ бўйлари мана бугун заҳарли оқовалар таъсиридан ҳам тап-тақир, файзсиз бўлиб қолган. Гўё жон таслим қилаётгандек ҳолсизланиб оқаётган сувларга қараб кишини оғир ўйлар босади. Назаримда, оқар сувлар гўзаллиги, сеҳрли салобати, фақатгина ўша халқ достонларида уни куйлаган бахшиларнинг, шоирларнинг юрагида армон бўлиб қолгандек...

Талабалик йилларимиз эди. Факультетимизнинг кўл нусхали «Журналист» номли газетасида экологияга доир топишмоқнома, мунозарали, «Ҳамма нарсани сув тоза қилади, сувни нима тоза қилади?» деган мавзуда танлов эълон қилинган эди. Ғолиб талаба хоҳлаган хорижий мамлакатига 10 кунлик саёҳат қилиши мумкин эди. Баҳс қизиб кетганди ўшанда. Шу мавзуга бағишлаб ҳикоя ва очерклар эълон қилинганди. Топишмоқнома, мунозараларнинг жавоби қуйидагича бўлган эди: Сувни инсоннинг ақли ва икки кўзи тоза қилади...

Айни кунларда мутахассислар олдида ҳам ҳар қатраси олтинга тенг сув заҳираларидан мамлакатимиздаги мавжуд экин майдонларини оқилона суғориш масаласи кўндаланг турганлиги бот-бот тилга олинмоқда. Бу масалага МДҲга аъзо, бир-бирига қондош-ёндош, қўшни давлатлар

• ИСЛОҲОТ ВА ОДАМЛАР

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

ЁХУД ЯНГИЙЎЛ МЕТАЛЛПЛАСТМАССА ЗАВОДИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Қани ким айтади: бугун Ўзбекистонда нечта катта-кичик завод ёки комбинатлар бор? Очиғи, ишимиз тушса наридан бери билиб оламиз. Бўлмаса...

Узоққа бориб ўтирмайлик, шундоққина ёнгинамизда — Янгийўл шаҳрида каттакон металлпластмасса заводи борлигини мен ҳам аввал билмасдим. Лекин бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксариятини ҳар куни кўча-кўйда кўриб, рўзғоримизда ишлатиб юрибмиз. Эътибор бермаймиз. Оддийгина шиша қопқоғи ёки полиэтилен-пластмасса яшчикларга ҳар лаҳзада эҳтиёж сезамиз. Аммо уларнинг қандай ишлаб чиқарилишини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.





Ишчилар Роза АБЛАЕВА ва Гулбаҳор АСРОРОВА (чапдаги сурат)лар тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришяпти. Илғор ишчи Мираҳмад МИРЖАЛОЛОВ (ўнгдаги сурат) эса иш устида.

Четдан қараган киши Янгийўл шаҳрининг марказида жойлашган бу заводни кўриб, у қачон ишга тушади-ю, қачон маҳсулот берар экан, деб ўйлаши аён. Чунки бу ерда ҳали қуриб битказилмаган асосий иншоотлар шунчаки кўзга ташланиб турибди-да. Лекин ичкарига кирсангиз... Яхшиси, завод директори **Раҳмат ТУРСУНОВ** билан бўлган суҳбатимизни сиз ҳам бир эшитинг:

— Раҳмат ака, заводни — Биласизми, заводнинг ишга тушганига 23 йил бўлди. Мен дастлаб бу ерга слесарь бўлиб ишга кирганман.

— Қандай қилиб? Слесарликдан директорликкача...

— Эҳ-ҳе, қанча заҳматлар чекдик. Институтни битириб келган йилим Владимир Черноволенко деган киши бу ерда раҳбар эди. У киши самимий кутиб олиб бир йил иш ўрганишимни айтиб, слесарликка қўйди. Кейин мастер, катта мастер, участка, цех бошлиғи бўлиб ишладим.

Ҳозир шароит шуни тақозо қилаяпти. Ўртада ҳар хил узилишлар бор. Четдан, айниқса Россиядан келтириладиган хом-ашёлар ўз вақтида етказиб берилмаганлиги, нарх-наволарнинг ўзгариб туриши бизнинг ишимизга анча таъсир кўрсатди. Мана, ўтган ҳафтада мамлакатимиз Президентининг Россияга қилган расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасида тузилган хайрли шартномалар бизларнинг кўнглимизни кўтариб юборди. Оддийгина мисол: юқори ва паст босимли полиэтилен ашёларичи, металл буюмларини, пасталарни, тунукаларни биз асосан Россиядан олиб келамиз. Уларсиз бизнинг ишимиз юришмайди. Шундай экан, юқоридаги шартномалар ана шу ўртадаги узилишларга энди барҳам беради.

Дарвоқе, бугунги кунда мазкур жамоа Россиянинг ўндан ортиқ йирик завод ва корхоналари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораяпти. Албатта, иқтисодий алоқалар асосан кўчаётгани йўқ. Қийин. Айниқса нарх-наволар тез-тез ўзгариб турган бугунги кунда ўртадаги тузилган шартномаларнинг гоҳ бузилиб, гоҳ ўзгариб турриши ҳам ташвишлар туғдиряпти. Директорнинг айтишича, бир вагон полиэтиленнинг нархи январь ойида 28 миллион бўлган экан. Ҳали олиб келинмаган маҳсулот февралда 30 миллионга чиқибди, март ойида эса 36,5 миллионга етибди. Албатта, бундай тафовутлар шартномаларнинг бузилишига олиб келади-да.

Раҳмат ака билан заводнинг эски биносини, цехларни кўздан кечирамиз. Бу ердаги иш жараёнлари жуда ғалати. Пластмасса яшчикларининг, шиша тиқинлари-ю банкаларга ёшиша идишларга ишлатиладиган қопқоқларнинг қандай ясалишини кузатаман. Кўп жойларни кўриб, кезиб келган тажрибали суратчимиз ҳам кўнглини кенг қилиб тасмаларни аямайди. Бугун тўла қувват билан ишлаб турган яшчик ясаш цехи, полиэтилен ишлатадиган цех, пиво ва салқин ичимликлар ҳамда консерва банкалари учун ишлатиладиган қопқоқлар ясайдиган цехлардаги ғаройиб ва ажабтовур манзаралар ғоят қизиқарли.

Барибир кўрган бошқа экан. Нега десангиз, сизу биз оддийгина шиша бутилкасини оғзини очиб, қопқоқларини исталган жойга отиб юборамиз. Агар ҳар биттамиз ана шу арзимасгина бўлиб туюлган қопқоқларнинг қанчалар катта заҳматлар эвазига тайёрланаётганини билсак эди...

Бу заводни ҳозир ҳам Туркистонда самарали ишлаётган ягона корхона десак лоф бўлмайди. Негаки биргина Ўзбекистон ҳудудидаги пиво, ширин ҳамда салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган комбинатлар, қолаверса, консерва заводлари бу жамоа билан узвий алоқада ишлайдилар. Шунингдек, Россия Федерациясида ҳам янгийўлликларнинг доимий равишда ҳамкорлик қиладиган шериклари кўп. Улар икки ўртадаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Россияга маҳсулот айирбошлаш йўли билан ўзимизнинг турли хил маҳсулотларимизни жўнатиб, бунинг эвазига у ёқдан завод учун энг керакли бўлган хом ашёларни ҳам олиб келишаяпти.

Яна директорни саволга тутаман:

— Ўзбекистонда нима кўп, ҳар хил ичимликлар ишлаб чиқарадиган комбинатлар кўп. Уларнинг аксарияти бугунги кунда ўзларини анча ўнглаб ҳам олиш-ди. Лекин кичик ва эндигина иш бошлаётган ташкилотлар билан кўпроқ ҳамкорлик қилсангизлар яхши самара бермайдими?

— Бу ҳақда анчадан бери ўйлаб юраман. Чунки ҳозир хўжаликларнинг ишбилармон, халққа қайишадиган раҳбарлари ўз жойларида турли маҳсулотларни қайта ишлайдиган митти заводчалар қуриб ишга туширишаяпти. Уларни қўллаш керакми, албатта керак. Мен имконим етгунича ана шулар билан кўпроқ ҳамкорлик қилаяпман. Нега десангиз, шу вақтгача биласиз, йил бўйи далада тер тўкиб ишлаган деҳқон ўз меҳнатининг қадри неча пуллигини билмади. Мана, энди ҳур замонлар келаяпти, одамлар ўз меҳнатларининг қадрини сезаяпти, етиштирган маҳсулотни дўкон ёки бозордан эмас, ўзи яшаётган хўжаликдан бепул сотиб олмоққа интиляпти. Бу яхшилик шарофати-да...

— Заводни айланиб чиққач, директорга сездирмайгина ёзиб қўйган «қайд»ларимни айтмоққа чоғландим. У кишининг ўзи сезди шекилли, гапимни бўлиб ҳиколатомуз сўзлай бошлади:

Сиз айтмасангиз ҳам кўнглим сезиб турибди, ичкаридаги кўп русча шиор-ёзувларга эътирозингиз бор. Бу-лар эскидан қолган «мерос». Юқорида айтдим. Кейин янги бино ишга тушса ортиқча ташвиш қилмайлик деб эски ёзувларни олмаган эдик. Ма-на, янгитдан ўзбек тилидаги муқобилларини ёздираяпмиз, насиб этса янги бинонинг очилишида келсангизлар кўрасизлар...

Йўқ, мен ҳали бу ҳақда у кишига сўз очмаган бўлсамда сезган экан. Ҳиколат торта-торта кўнглини тўкиб солди. Бундан суюндим...

Кейин директордан заводнинг қувонч-ташвишларини елкасида кўтариб келаётган илғор ишчи-хизматчиларнинг исми-шарифларини айтишини сўрадим. Раҳмат ака бироз ўйланиб қолди. Сўнг:

— Битта оиланинг яхши-ёмони бўлмайди. Жамоамиз аҳил ва меҳнаткаш. Ўндан ортиқ миллат вакиллари бир-бирига меҳрибон. Қай бирини айтсам экан-а? Зинаида Шарипова, Трафим Хегай, Талъат Мауталиев, Аваз Муслимов, Татьяна Ёқубова, Роза Холиқова, Иван Резниченко, Мираҳмад Миржалолов, Вячеслав Литовченко, Анвар Суяров... Ўлар ишчилар, цех бошлиқлари, фидойилар. Атайлаб соҳасини, лавозимини ажратиб санамадим. Ҳаммаси елкадош одамлар, — деди у киши.

Янгийўлдан қайтаяпману, эсимга Раҳмат Турсуновнинг самимий оҳангда айтган гаплари тушаверди;

— Ҳозир мақтанмаймиз. Олдинда катта довонлар турибди. Йил охиригача фалон сўм даромад қиламиз, шароитларимиз ниҳоятда зўр бўлади десам, ярашмайди. Янги бинони ишга тушириб олайлик, кейин кўрасизлар, Меваларни қуритадиган ва вино қуйиш цехларини ҳам ишлатиш ниятимиз бор. Энг қувончлиси, ишчиларимизга яқин орада акциялар тарқатмоқчимиз. Келинг, ҳамма сирларимизни айтиб қўймайин. Булар ярмиси. Ярми...

У ёғини айтмади. Менам сўрамадим. Яхшиси, яна узоғи билан бир йилдан сўнг бу заводга йўлингиз тушса, ҳайратингиз ошмаса менга айтинг...

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.



Завод директори Раҳмат ТУРСУНОВ қопқоқлар ясаладиган цех бошлиғи Анвар СУЯРОВ билан ўзаро мулоқотда.



Акмал ТУРСУНОВ радио тингламаяпти, аксинча ишлаяпти...



Янги бинонинг қурилиши.





Полиэтилен яшчиклар ишлаб чиқарадиган цех ишчиси Валентина ВОЗНЯ (чапдаги сурат) ва шу цех ишчилари.



Яшчикларни қайта ишлайдиган участка бошлиғи Валижон Бутбоев (ўнгда) ишчи Баҳром Мавлонов билан суҳбатлашяпти.

неча йилдан бери қуриб битказа олмаяпсизлар?

— Ҳайронман, кўплар шундай деб ўйлайди. Аммо ичкарида бошқача ҳаёт. Завод тўла бўлмаса-да, деярли ишлаяпти. Манави кўринибтурган янги иншоотлар заводнинг эртанги куни.

— Сиз неча йилдан бери бу ерда директорсиз?

Шу орада Янгийўл шаҳар партия қўмитасида саноат бўлимининг мудири ҳам бўлдим. Ниҳоят 1987 йили директорликка сайландим.

— Ўша йиллари корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати қандай эди?

— Ўрта Осиёда ягона металлпластмасса заводи ҳисобланар эдик. Бир ёғи «Союзагропромторг»га бўйсунардик. У СССР пайтида энг «қўли узун» ташкилотлардан бири саналарди. Иттифоқ тарқалиб кетганидан сўнг «Ўзмевсабзавотсаноат» концернига ўтдик. 1990 йилдаёқ бизлар заводни акционерлик жамиятига айлантирган эдик. 1993 йилнинг июнидан бошлаб эса хусусийлаштирдик.

— Собиқ Иттифоқ «тирик» пайтида имкониятларингиз жуда катта бўлган экан-да?

— Ҳа, у вақтларда қўлимизни қайга узатсак етарди-ю, лекин имкониятимиз чекланган эди. Хўжайинлар кўп, Масковнинг қовоғига қараб ўтирардик. Мана, Ўзбекистон мустақил бўлгач елкамизга офтоб тегди. Энди ҳақиқий хўжайинлик ҳиссини туйдик. Эркин ва бемалол алоқалар йўлга қўйилди. Шу маънода юқоридаги сизнинг ҳар икки саволингизга битта қилиб жавоб берадиган бўлсам, аввал жамоамизнинг имконияти катта бўлгани билан қўлимиз боғлиқ эди. Энди эркинмиз. Ҳар қанча бўлса-да ўз халқимизга хизмат қилаяпмиз.

— Шундай деяпсизу, аммо айрим цехларингиз маҳсулот йўқлиги туфайли тўхтаб қолибди-ку?

— Бунга ажабланманг. Ҳар икки саволингизга битта қилиб жавоб берадиган бўлсам, аввал жамоамизнинг имконияти катта бўлгани билан қўлимиз боғлиқ эди. Энди эркинмиз. Ҳар қанча бўлса-да ўз халқимизга хизмат қилаяпмиз.



Яқин кунларда хом-ашё олиб келиниса бу цехнинг ишлашини кўрасиз...



Насиб этса, заводнинг келгусидаги кўриниши шундай бўлади.



Завод ошхонасида ҳар куни тушликда тайёрланадиган паловнинг таъми ҳам бўлакча-да.

Суратларни Владимир МОЛГАЧЕВ олган.

• *Илму ҳикмат ўтни ёндирар*

МАЛҲАМ



Беш қаватли бинонинг биринчи қаватида лифт кутиб турардим. Рўпарадаги одам кутилмаганда мени сўроққа тутди:

— Кечирасиз, мабодо сиз профессор Наби Мажидов эмасмисиз?

Эҳ, содда одам. Мен тиббиётдан анча узоқ соҳадан эканлигимни, Наби ака 65 баҳорни қаршилаб турганлигини билсайди.

Нотаниш кишини юз-кўзларида ҳам, сўзларида ҳам нажоткорини излаётгани шундоқ кўриниб турарди.

— Йўқ, мен сиз айтган одам эмасман. Лекин ҳозир айнан Наби аканинг ҳузурига бораётувдим.

— Хайрият-е, — деди у гўё қидирган кишисини топгандай енгил тортиб. —Мениям бошлаб боринг. Ўзим Бўстонлиқдан келдим. Наби аканинг довруғини эшитганман.

— Нима, тобингиз йўқми?

— Саломатлигим жойида, укамни даволатмоқчийдим.

Бу орада лифт келди. Бир зумда бешинчи қаватга кўтарилдик. Йўлак бўйлаб озроқ юргач, ўнг томонда ойнаванд эшикдан қабулхонага кирдик. Профессор Назарбекдаги Неврология марказидан қўнғироқ қилибди. У ердаги беморларни кўриб бўлгач етиб келарканлар. Демак, кутамиз. Қабулхонадаги ўриндиқларга жойлашдик.

Ҳали лифт олдида учрашган ҳамроҳим сўрай бошлади:

— Сиз Мажидовни яхши биласизми?

— Ҳар ҳолда унча-мунча билсам керак.

— Ундай бўлса, бекор ўтирибмиз, профессор ҳақида билганларингизни гапириб беринг. Жудаям машҳур олим дейишади...

Беихтиёр ўйга чўмдим. Бирор одам ҳақида нималарни айтиш мумкин? Қисқа қилиб «Яхши одам, меҳрибон шифокор, изланувчан олим» дейиш мумкинми? Ўйлаб қарасам профессор Наби Мажидов ҳақида биринки оғиз сўз билан таъриф бериб бўлмас экан. Наби ака билан бўлган суҳбатлар, у киши ҳақида ўқиганларим — буларнинг ҳаммаси беихтиёр кўз олдимда жонланаверди. Укасини, бир қориндан талашиб тушган жигаргўшасини даволашга аҳд қилган нотаниш одамга ўз билганларим ҳақида сўзлай бошладим.

Инсон организмининг ҳамма аъзолари бири-биридан нозик, керакли. Ҳаётнинг бош рамзи юрак ҳисобланса, ёруғ дунёни кўришда кўзнинг ўрни беқиёс. Тириклик чироғини ёқиб юришда ошқозоннинг соғ бўлиши қанчалик муҳим бўлса, ўпка-жигарнинг ўрни бундан қолишмайди. Инсоннинг энг нозик, энг керакли аъзоларидан бири бу — миядир. Мажидов ҳали ўқишни битирмасданоқ бош мия фаолиятига қаттиқ қизиқиб қолди. Бу нозик аъзо нега яллиғланади, уни даволаш учун қандай усуллар мавжуд. Қолаверса бу хил хасталикларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Талаба Мажидов бу саволларга жавоб топиш учун бедор тунлар жилджилд китобларни ўқиб чиқди, беморлар ҳолатини эринмай ўрганди. Ҳали институт дипломини олмай туриб ўша даврдаги Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фахрий ёрлигини қўлга киритди. Бу изланувчан талабанинг меҳнатлари эътирофи эди. Ким билсин, балки бу фахрий ёрлиқ Наби Мажидов учун илмий дунё эшигини очиб берган шаҳодатнома ўрнини ўтагандир. Ҳар ҳолда у неврология шўъбасида клиник ординатор бўлгач, тақдир йўлини белгилашга муҳим нуқта қўйилди. Ўттиз ёшда Наби Мажидов тиббиёт фанлари номзоди, етти йил ўтгач докторлик илмий ишини ҳимоя қилди. Олимташланади: докторлик иши ҳимоя қилиндими, энди бемалол нафас ростлаш, меҳнатнинг ҳузурини кўриш учун хотиржамроқ ишланади. Ўшанда Наби Мажидов қирқ ёшга ҳам тўлмаган, шу боис изланишни муттасил давом эттираверди. Кетма-кет илмий ишланмалар, улар ҳақида катта-катта рисола ва қўлланмалар босиб чиқариларди. Профессор бош мия қоринчаларининг клиник-анатомик хусусиятлари ҳақида яратган кашфиётларини АҚШ, Польша, Болгария, Венгрия, Германия каби мамлакатлардаги невролог олимлар орасида гапириб берди. Американинг тиббиёт дорилфунуни клиникаларида беморларни кўрикдан ўтказди. Грецияга бориб келиб соғлиғидан умидини узиб қўйган беморларни даволади.

Агар «Катта тиббиёт қомуси» («БМЭ»)нинг 1984 йилги нашрини варақласангиз унда «Хориоэпендимонали таҳририятида неча ўнлаб одамлар кутиб туришганини кўриш учун соҳа одами бўлиш шарт эмас. Қолаверса Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий-тадқиқот институтида Наби ака эккан ниҳоллар ҳозир ҳосилга кирган. Профессор бу даргоҳга беш йил раҳбарлик қилди. Бундан ташқари, республика невропотолог ва психиатрлари илмий жамиятида чорак асрдан буён раислик қилмоқда.

Наби Мажидовга дунёнинг турли бурчакларидан хат ва телеграммалар келиб туради. Уларда илмий ҳамкорликка чорлаш, бирор анжуман ёки муҳокамага таклиф мужассам бўлади. Яқинда профессорга Новосибирск шаҳридан қўнғироқ қилишди. Бу шаҳарда Европа ва Осиё Медицина фанлар академиясининг ҳайъати жойлашган. Академия президенти Виктор Веселовский навбатдаги йиғинлардан бирида Академиянинг Марказий Осиё бўлимини Тошкентда очиш таклифини киритибди. Агар бу режа рўёбга чиқса, мустақил Ўзбекистондаги тиббиёт соҳаси олимлари дунё билан бевосита алоқага чиқишлари учун имкон яратилган бўлур эди. Айни пайтда Наби Мажидовни Нижний Новгороддаги халқаро конгрессга ҳам таклиф этишибди. Унда Австралия, АҚШ, Германия, Болгария каби мамлакатлардан олимлар келиши айтилади.

Инсон мияси саломатликни асрашда қандай ўрин тутиши шифокор бўлмаган одамга ҳам аён. Мия нафақат асаб, балки бошқа кўплаб касалликларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. БМТнинг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йилини мия ўн йиллиги деб атади. Мияни энг ҳаётбахш, ҳаракатлантирувчи омил сифатида таърифлашади. Шу жиҳатдан баҳолайдиган бўлсак Наби Мажидовни мамлакат неврология илмининг мияси дейиш мумкин...

Суҳбатимиз шу ерга келганда бўлинди. Қабулхонага сочларига оқ тушган, истараси иссиқ киши саломлашиб кириб келди. Гўё атроф ёришгандай бўлди. Бу ҳамма кутиб турган одам — Наби Мажидов эди. Котиба домла ҳузурига кирмоқчи бўлганларни навбатма-навбат таклиф қила бошлади.

Эҳтимол Наби ака ҳақидаги ҳикоям чала бўлгандир. Мен рўпарамдаги одамга Наби Мажидов ҳақида таниқли ёзувчи Неъмат Ёқубовнинг «Жон» деган романини ўқиб чиқишни тавсия этдим.

Менинг суҳбатдошим эса нуқул бир сўзни такрорларди:

— Одамлар дардига малҳам бўлувчи Наби акалар узоқ умр кўришсин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу мақола саҳифаланаётган дақиқаларда ажойиб хушхабар келди. Наби Мажидов Европа ва Осиё Медицина фанлар академиясига ҳақиқий аъзо қилиб сайланибди. Марказий Осиё давлатлари ичида юртдошимиз ягона бўлганлиги ҳаммамизда ифтихор туйғуларини уйғотади.

ҚИШЛОҚДА КИМ ГАЗЕТА СОТАДИ?

● Жарқўрғон туманида 8 та газета сотадиган дўкон бор. «Сурхон» қишлоғини истисно қилганда шу дўконларнинг ҳаммаси Жарқўрғон шаҳрида жойлашган. Қишлоқларнинг одамлари бўлса, бизга шакар, совун, мой керак деган талабларга қўшиб, газета сотадиган дўкон ҳам лозим, деган гапларни раҳбарларга айтмоқдалар.

Туман почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхонасининг бошлиғи Алиқул Шоймуродов бу талабдан сергак тортди. Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги марказидаги «Занг» алоқа бўлими мудири Суюн Баратовга, газета сотишни ташкил қиласиз, деган топшириқни берди.

Биринчи куни газета яхши кетди. Ҳатто, сўраганларнинг

• *Ташаббус куртак отмоқда*

ҳаммасига етмай қолди. Иккинчи куни ҳам. Энди бўлса, бошқа алоқа бўлимларида ҳам газета сотиш тараддуди кўрилаётир.

— Қишлоқда магазин ёпиқ бўлиши мумкинку, лекин алоқа бўлимининг эшиги доимо очиқ бўлмоғи керак, — дейди Алиқул ака. — Бир гал Ховдак алоқа бўлимига бордим. Ёпиқ. Эшигида «мен район алоқа бўлимига иш билан кетдим. Мудир Н. Эшимов» деган ёзув қистирилган. Эшимовни туманга иш билан кетгани учун қойиб бўлмайди. Лекин унинг бўлимида уч-тўрт почтачи бор. Бўлимни ўшалар очиб туришса, келганларнинг саволига жавоб қилишса, газета--журнал сотишса, одамлар, ҳей, отангга балли, деб улардан хурсанд бўлишмайдими.

А. Шоймуродов кўп йиллар газетанинг қозонида қайнаган, маърифатли, ҳамиша қишлоқни маърифатли қилишга ҳисса қўшишни кўнглига тукқан одам...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





Равшан Ҳайруллаев «Тошкент» ресторанида ошпаз бўлиб ишлайди. У бўш пайтларида варрак ясаш билан шуғулланади.

Юқоридаги суратда Равшан Ҳайруллаев варракчи болалар даврасида.

Зокир Мирниёзов эса Оқолтин туманидаги «Сардоба» пахта тозалаш заводи ошхонасида ишлайди. У ошхонани ижарага олган. Завод ишчиларн барча овқатларни арзонлаштирилган нархда сотмоқда.

Пастдаги суратда Зокир Мирниёзов ва ошпаз Ўғилой Тошмуродова.

Р. АЛЬБЕКОВ ва Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

Кўп миллатли Ўзбекистон фуқаролари осойишта ва бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлган бир шароитда Ўзбекистондан қочиб кетган ва қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш умидида чет элдан бошпана топиб, улуғлик васвасаси ва доҳийлик ҳуружига мубтало бўлган баъзи «арбоб»ларнинг ҳовлиқиб елиб-югуриши айниқса кейинги пайтда яққол сезилмоқда. Бундай «сиёсатдон»лар мустақил Ўзбекистоннинг ички ишларига сурбетларча аралашиш ҳуқуқини даъво қилаётган, республикамизга хайрихоҳ бўлмаган айрим сохта ташкилотларга таянмоқдалар ҳамда «Хельсинки—Вотч» ва шу каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нуфузли халқаро ташкилотлардан фойдаланиб, уларни чалғитиб, ҳамманинг жонига теккан сафсатабозликдан ошкора душманлик руҳидаги қўпорувчилик фаолиятига ўтмоқдалар.

«Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилмоқда», деб мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, бозор муносабатларини шакллантириш соҳасида рўй бераётган ижобий жараёнларнинг моҳиятини бузиб кўрсатаётган уйдирмаларнинг лойиқа оқими, аниқ мақсадга қаратилган ошкора ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар қўпол сохталаштириш руҳидаги номаларни нашр этиш, туҳмат ва бўҳтондан иборат адабиётларни республикага олиб кириш йўлларини топиш, аҳоли орасида ваҳимали миш-мишлар ва кайфиятларни тарқатиш билан кучайтириб борилмоқда. Бундан мақсад — ишончсизлик ва қўрқув туйғуларини, миллатлараро адоватни келтириб чиқариш, аҳолининг бир гуруҳига бошқа гуруҳини қарши қўйиш ва пировардида республикадаги вазиятни издан чиқаришдан иборат.

Айрим кимсалар Тожикистондаги фожиали воқеаларга олиб келган вазият такрорланишини жуда истаётганликлари айниқса кишини хавотирлантиради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шундай далилларга эгаки, улар бу кимсаларнинг ана шу воситалардан мустақил Ўзбекистоннинг Конституциявий тузумига қарши қўпорувчилик ҳаракатларини «мафкуравий» жиҳатдан таъминлаш учунгина эмас, шу билан бирга мамлакатни қурол-яроғ ва гиёҳвандлик моддалари билан тўлдириш учун фойдаланишга интилишаётганини ҳам кўрсатади.

Республика ҳудудида бундай душманлик фаолиятига йўл қўймаслик, жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш, барқарор вазиятни сақлаб қолиш, демократик ислоҳотлар йўлини изчил амалга ошира бориш мақсадида ва Ўзбекистон Республикасининг жаҳон амалиётига асосланувчи амалдаги қонунларига мувофиқ равишда ички ишлар вазирлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан биргаликда бундай хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқишга доир зарур чораларни кўрмоқда.

Текширув натижалари тўғрисида қўшимча равишда хабар қилинади.

НОЁБ ТАНГА ТОПИЛДИ, АЙБДОР ЖАЗОЛАНДИ

Илгари Элликқалъа ўлкашунослик музейида сақланаётган ноёб тангани Мадаминов Салой (Муҳаммад Солиҳ) фирибгарлик йўли билан олиб кетгани ҳақида хабар қилинган эди.

Шу иш юзасидан ўтказилган дастлабки тергов ва судда аниқланишича, Бекчонов Сапарбой Жумабоевич 1991 йил 9 ноябрь куни Элликқалъа туманида жойлашган ўлкашунослик музейида сақланаётган, музей мулки ҳисобланган, эрамиздан аввалги III—I асрларда зарб қилинган, кўҳна Хоразм маданияти, иқтисодиётини, тарихи ва пул муомаласини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланган, ўта ноёб, нумизматика фанида бемисл тарихий аҳамиятга эга бўлган бир дона тангани музей директори Жумаев Оразалидан олмоқчи бўлганида, у рад жавобини берган, шундан кейин С. Бекчонов ўзининг жиноий мақсадини амалга ошириш учун музей директори О. Жумаевнинг ишончини суиистеъмол қилиб, фирибгарлик йўли билан шу ноёб тангани таъмирлаш ва экспертиза қилиш баҳонасида алдаб олиб кетиб, «Эрк» демократик партиясининг раиси Мадаминов Салойга элтиб берган.





Иккинчи айбланувчи — Мадаминов Салойга нисбатан, у ҳозир қаерда экани номаълум бўлгани учун, жиноят иши алоҳида ажратилиб, мазкур жиноят ишининг С. Бекчоновга тегишли қисмигина судга юборилган.

Ушбу жиноят иши Элликқалъа туман суди томонидан З. Собиров раислигидаги очиқ суд мажлисида кўрилиб, 1994 йил 9 февралдаги суд ҳукми билан С. Бекчонов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 129-модда 3-қисми билан айбланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Суд Бекчоновга жазо тайинлашда унинг биринчи марта судланаётганини, оилавий аҳволини ҳамда у билан Мадаминов Салой томонидан ўзлаштирилган ноёб тангани С. Бекчоновнинг ҳимоячиси — адвокат Ҳ. Зайниддинов томонидан суд мажлиси жараёнида қайтарилганини ҳисобга олиб, унга қонунда кўрсатилганидан енгил жазо тайинлади.

Суд шу жиноят иши бўйича хусусий ажрим чиқарди. Унда 1991 йил 9 ноябрда Мадаминов Салой томонидан олинган ноёб танга қаердан ва қандай қилиб С. Бекчоновнинг ҳимоячиси Ҳ. Зайниддиновнинг қўлига тушиб қолгани ва судга топширилганини аниқлаш, жиноят ишининг Мадаминов Салойга тегишли қисми бўйича ўтказилаётган тергов юзасидан назоратни кучайтириш Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига юклатилди.

С. МУҚИМОВ.

• *Дил изҳори*

ШОИР ҚАЛБИДАГИ МАЙСАЛАР

Шеърият йўли ҳамиша оғир кечган. Бу йўлнинг ранжу ситамлари ҳусусида узун-узун ривоятлар қилиш мумкин, ҳикоятлар сўйлаш мумкин. Бу йўлда кимлардир чинордай салобат тўкиб турибди, аллакимлар майса каби эпкинлар ила шивирлаб ўтган, яна бировлар хас-хазодай шилдираб қолган, кимлардир тупроқ бўлган. «Шеърият бу — қуруқликда яшаб, осмоний ҳаёлларга берилувчи денгиз жонзотининг қундалигидир» дебди бир ғарб донишманди. Балки у ҳам ҳақдир. Боболаримиз сўзни жуда ҳам қадрлашган. «Сухан деган дурдир» — эскилардан қолган гап. Бунда айнан шеърий сухан, назмий калом назарда тутилаётибди. Ҳар қандай йўлнинг икки чети фақат тераклар ё толлар, чинорлар ва ё азим дарахтлардан иборат бўлмагани каби, шеърият йўли ҳам ўзининг пасту баланд, шодмон ва маъюс, чаққон ва оғир қадам, шамол ва эпкинсифат йўлчилари ила ажибдир. Теварагида майсалар шивирламаган дарахтнинг дарахтлиги ҳам унчалик қизиқ кўринмайди.

Шеъриятимизни таърифу тавсиф қилишга ҳожат йўқ. У ўзини ўзи кўрсатиб турибди. Ким пастроқ, ким баланд пардаларда баҳоли қудрат ўзининг сўзини айтиб келаётибди. Ҳамма изланишда, ҳамманинг ўзига яраша дарди бор, ҳамма бир яхши битик ва ё бир ажиб сатр илинжида ҳаловатдан кечган. Бу ўринда ёш ижодкорларнинг, элга танилиб қолган шоирёзувчиларимизнинг юпқароқ бўлса ҳам китобларини нашр этиб, гоятда хайрли, маърифий-тарбиявий ишни амалга ошираётган «Чўлпон» нашриётининг эзгу хизматларини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир...

Шеърият — соғинчдир, севинчдир, аламдир, ўйдир. Шу йўлда анча йиллардан буён қалам тебратиб келаётган Турсун Алининг «Тун товуши» тўпламини варақлаган ўқувчи бунга яна бир карра иқрор бўлади. Йўл бошида беназир устозлардан дуо олган шоирнинг ушбу шеърий мажмуаси узоқ йиллар қалб ва тан қалъасида тўпланиб қолган, руҳ иқлимларини макон этган, онг ва шуур заминида илдиз ёзган сўнгсиз соғинчлардан таркиб топган бир тўплам бўлибди. **«Қува боғларида анорлар гуллади алвон-алвон. Мусофирлик кўчасида менинг ҳам бағрим анорзор каби гуллади қип-қизил»** сатрларини ўқиб, ушбу соғинчларнинг нечоғли тансиқ ва азиз эканини, шоир бу йўллардан боди ҳаво каби шунчаки ҳиргойи қилиб ўтмаганига амин бўласиз. Сатрлардан майсалар, тупроқ, шабнамлар ҳиди, одамзод армонларининг ислари урилади димоғингизга. Шоир бир ҳолатда майсага айланади, яна бир ҳолатда **«қон ютган анорзорлар»** шаклида дарду ҳасратини айтади. Бу ҳаётда одам боласи учун фожиа саналувчи йўқотишлар бор. Шоир ўзи учун шеър ёзади, шеъри ўзини қуйдирса агар, ўзгаларни ҳам куйдиролади:

Онамнинг қабрида унган
майсалар,
Мен сизни кўксимга босаман
суюб.
Энтикиб кетади куюк юрагим,
Сизларда онамнинг ҳидларин
туюб.

Онамнинг қабрида унган
майсалар,
Бир сирни сўрасам келмасин
малол:
Бошингизни силаб онам қўллари
Уйқудан уйғотган сизни,
эҳтимол.

Соғинч, алам, армон шу билан тугамайди. Жудолиғ ҳамиша азоб, айрилиқ бир ранжу ситамдирки, унинг шарҳига сўз ожиз. Лекин шоир керакли гапни дилдан чиқариб айта олади:

Тонгда борсам онам қабрига,
Йиғлаётир майсалар юм-юм.
Оҳ, майсалар билан мен бирга
Кўз ёш тўкдим тўлиб юрагим.
...Қўҳна қабр устида абад,
Ўсаётган эгик майсалар.
Огоҳ этинг мени ҳам албат,
Онам сизга бир гап айтсалар.

Шеърнинг шеърлигини унинг изоҳ талаб қилмаслигидан билса бўлади. «Тун товуши»да бундай шеърлар жуда кўп. Тун товуши— бу айни пайтда шоирнинг товуши, унинг ўй-кечинмалари, изтироб ва орзуларининг товуши ҳамдир. Бунда **«Қушлар қанотида ухлаётган тонг»** ҳам, **«сукут кўксини тилиб»**, **«тиним билмай чақнаётган кетмон»**, **«терак учида тик турган офтоб»**, **«райҳонли ҳовлини супураётган қирққокил қизчалар»**, **«жойнамоз ёзаётган нуроний боболар, мунис момолар»** ҳам, **«кимнингдир газин нафаси ила шундоқ юракка сирғиб келаётган куз»** ҳам—ҳамма ҳаммаси бир яхлитлик ила йиллар сўнгида шоир чиқарган шеърий хулосаларга мазмун-моҳият касб этади. Тўпламдаги «Илтижо», «Рамазон», «Оқтой ҳақида баллада», «Куннинг умри», «Отам вафоти», «Куз сувратлари», суҳбатлари тугамайин, яъни бир-бирига меҳру мурувват, яхшилик ва оқибат кўрсатмайин **«Бекатларда тушиб қолган одамлар»**нинг аҳволини кўрсатувчи «Трамвайдаги суҳбатлар», қалбнинг обу ҳавосидан хабарлар бергувчи «Ҳаяжоннинг сувратлари» сингари шеърлар, авлодларнинг аҳволи руҳияси, ахлоқий-маънавий таназзули хусусидаги «Учинчи хона» драматик достони кейинги йиллардаги изланишлар маҳсули сифатида ўқувчида ўй ва мулоҳазалар уйғотади. Шоирнинг ўз мавзуси, ўз ифода йўсини кишига оғир ботмайди. Бироқ, ҳамма гап, барибир майсаларда. Энг муҳими — улар ерда эмас, шоирнинг кўзларида, юрагида шивирлаётир.

Ўйчан кўзларимда яшил
майсалар,
Бағрига сингдирар нурни,
ёмғирни.
Қуёшдай, ёмғирдай мен
майсаларга
Бир кун топшираман ўтли
бағримни.

Сўнг... Яна бу кўҳна замин
бағридан
Яшил майса бўлиб қайтиб
чиқурман.
Тағин, она юртим, севинг
шаънингга
Майсалар тилида шеърлар
ўқурман.

Сирожиддин САИИИД.

• *Спорт* •

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

●«Пахтакор—79» хотира-соврини учун ўтказилаётган анъанавий мусобақа халқаро тус олмоқда. Бу йил Находканинг «Океан» ва Новотроицкнинг «Металлург» жамоаларининг иштирок этиши билан учрашувлар янада қизғин тус олмоқда.

Футбол жамоалари тўрт минтақа, саккиз кичик гуруҳга бўлинган. Мазкур гуруҳларнинг ғолиблари ўртасида чорак финал ўйинлари ўтказилади. Бу учрашувлар 13 мартга мўлжалланяпти. Кейин ярим финал ўйинлари бўлади. Ҳозирча «Нефтчи», «Темирйўлчи», «Навбаҳор», «Пахтакор», «Политотдел», МҲСК ва «Нурафшон» жамоалари курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб турибди. Хотира кубоги учун кураш футболчиларни мавсумга шайлигини тобига етказишда аҳамият касб этмоқда.

«НИВА — 5» маркали тўқув машиналари
СОТИЛАДИ
Тел: 72-02-73.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини амалга ошириш бошқармаси бош мутахассиси Р. Шомуротовга ўғли Ойбек **ШОМУРОТОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди — 21.30.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, А. РУЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.